

Бунда, табакалаштирилган тарифда тўловларни амалга оширувчи 750 кВА ва ундан юқори бўлган қувватга уланган "Истеъмолчи" учун энергиянинг технологик сарфлашини сўтқанинг тигиз, ярим тигиз ва тунги пайтлари учун алоҳида аниқлашиб ёки умумий технологик сарф миқдоридан келиб чиқиб ҳар бир давр учун муносиб равишда ҳисоблаб, жами олинган энергия ҳажмининг тегишли пайтларига тўлов ҳисоб varaғини ёзиш учун мутаносиб равишда кўйиб борилади.

3.9. Ҳисоблагичлар кўрсаткичи ёзиб олилмаган ёки энергия сарфи тўғрисидаги ҳисобот "Истеъмолчи" томондан тақдим этилмаган тақдирда, "Қорхона" томонидан энергия истеъмолининг шартномавий миқдори бўйича ёки ўтган ҳисоб-китоб давр учун энергия истеъмолининг амалдаги миқдори тўғрисидаги маълумотлар асосида ҳисоб-китоб қилишга ҳақли, бу ҳақда "Истеъмолчи"нинг ҳисоб varaғида тегишли равишда қайд қилинади.

Ҳисоблагичлар кўрсаткичи назорат тартибида "Қорхона" вақили томонидан ёзиб олингандан кейин "Қорхона" томонидан амалда истеъмол қилинган энергия учун белгиланган тартибда қайта ҳисоб-китоб қилинади.

3.10. "Истеъмолчи"нинг энергия учун тўловлар, реактив энергия компенсацияси учун тарифга устамалар, шунингдек ҳисобга олинмаган энергия қайта ҳисоб-китоби ва пеня бўйича қарзи бўлган тақдирда унинг аванс тўлови ҳисобига ўтказилган маблағлари қарзни қоплашга йўналтирилади ва аванс тўлови (олдиндан ҳақ тўлаш) сифатида ҳисобга олинмайди.

"Истеъмолчи"нинг айби билан ушбу шартномада кўрсатилган энергия ҳажми тўлиқ истеъмол қилинмаган тақдирда, аванс тариқасида тўланган маблағлар қайтариб берилмайди ва энергия учун кейинги ҳисоб-китобларда ҳисобга олинади.

3.11. Шартномада келтирилган ҳисоб-китоб даври учун кўрсатилган миқдордан 5 фоздан ортиқ миқдорда энергия истеъмол қилинганда, "Истеъмолчи"дан шартномада кўрсатилган миқдордан ортиқча истеъмол қилинган энергиянинг жами ҳажми учун белгиланган тарифнинг 1,15 баравари миқдорида тўлов ундирилади.

3.12. "Истеъмолчи" "Қорхона" билан биргаликда ҳар ойда, ҳисоб-китоб даври тамом бўлгандан кейин беш кун мобайнида ўзаро ҳисоб-китобларнинг таққослаш далолатномасини тузади.

3.13. "Истеъмолчи"ни электр тармоқларидан узиш қўйидаги ҳолларда амалга оширилади:

Шартнома мажбуриятлари бажарилмаганда;

ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги оқибатида фойдаланилган энергия учун қарздорлик мавжуд бўлганда;

"Қорхона" талабномалари ижро этилмаганда, шу жумладан, унинг тегишли вақиларига ҳисоблагичлар кўрсаткичларини олиш ва ҳисоблаш тизими уланishi заنجирини текшириш учун руҳсат этилмаганда;

ҳисоблагичлар қасддан бузилганда, кўрсаткичларни ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралашилганда;

электр тармоқларига ноқонуний уланishi, талон-торож қилиш ёки Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузишнинг бошқа ҳолатлари аниқланганда.

3.14. Ҳисобга олинмаган энергия учун амалга оширилган қайта ҳисоб-китоб "Истеъмолчи"ни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

3.15. Истеъмолчи тармоққа унинг томонидан қоидабузарлик ҳолати бартараф этилиб, мавжуд қарздорлик ва тўлов пайтдаги энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баробари миқдорида тўлов ундирилгандан сўн қайта уланади (ЭНХА)га уланган истеъмолчилар бундан мустасно, ЭНХА)га уланган истеъмолчи дегани: масофадан тармоқдан ажратилиш имкони бор истеъмолчилардир).

3.16. Истеъмолчи ёққазиб берилган энергия учун ўз вақтида(шартномада белгиланган муддатларда) тўламаса, Қорхона) муддати ўтқазиб юборилган ҳар бир кун учун тўлов суммасининг 0,1 фозини

миқдорида (Энергия маҳсус тартибда ёққазиб берувчи қорхоналар учун 0,2фоз) лекин мулду ўтқазиб юборилган сумманинг 50 фозидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

IV. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

4.1. "Истеъмолчи" қўйидаги ҳуқуқларга эга:

ўзининг электр қурилмаларини техник шартларга мувофиқ "Қорхона" электр тармоқлар улаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлган энергия олиш;

энергия ёққазиб беришнинг тугатилиши ёки тўхтатиб қўйилиши сабаблари тўғрисида белгилан тартибда ахборот олиш;

"Қорхона"га истеъмол қиладиган энергия ҳажмларининг ўзгартирилиши тўғрисида белгилан тартибда тақлиф киритиш. Бунда энергиянинг шартномадаги ҳажмини ўзгартириш бўй тақлиф мўлжалланаётган ўзгартиришдан олдин

10 кундан кечикмай (жорий ой тугагунгача) берилиши лозим;

энергия тўлиқ ҳажмда ёққазиб берилмаслиги ёки сифат кўрсаткичлари давлат стандартлари мувофиқ бўлмаган энергия ёққазиб берилиши оқибатида ёққазилган зарарларни белгиланган тарти қоплатиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бир тарафлама тартибда шартномани бекор қилиш;

Шартнома бекор қилганда фойдаланилмаган энергия миқдори учун тўланган сумма қайтарилишини талаб қилиш;

энергия ёққазиб берилиши тугатилганда зарарин қоплашни талаб қилиш;

Шартномани тузиш ва бажаришда юзага келаётган низоларни хал этиш учун сулду ёки бўйсунни бўйича юқори ташкилотга (мансабдор шахсга) мурожаат қилиш.

"Истеъмолчи" қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.2. "Истеъмолчи" қўйидагиларга мажбур:

энергия истеъмол қилишни белгиланган режимида рияоз этиш;

фойдаланилган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш;

эксплуатация қилаётган электр тармоқлар, асбоблар, электр қурилмаларининг техник ҳолати

лозим даражада сақланишини, шунингдек, электр қурилмаларни эксплуатация қилишда ҳавфсизлик техникаси қоидаларига рияоз қилинишини таъминлаш, "Қорхона"га электр асбоб-ускуналарини носозлиги тўғрисида хабар қилиш;

энергиядан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

"Қорхона" ва "Ўздавэнергонзорат" инспекциясининг ёзма кўрсатмаларини ўз вақтида бажариш; Электр қурилмаларининг тузилиши қоидаларининг талабларини бажариш;

Белгиланган тартибда "Қорхона"нинг тегишли вақилига ҳисоблагичларни кўришига имкон бериш; йил мобайнида янгидан ишга тушириладиган электр қурилмаларидан фойдаланиш бошланishiда қамлада бир ой олдин энергиянинг зарур миқдори учун "Қорхона"га буюртманома бериш;

келгуси йил учун энергияга бўлган эҳтиёжни аниқлашда энергияни электр тармоқларида узатишда, маҳсулот ишлаб чиқариш (ишлар турларининг) технологик жараёни эҳтиёжларига, ишла чиқариш бинолари ва маъмурий биноларни ёритишга, иситишга, шамоллатишга энергия сарфини шунингдек ушбу электр тармоқларига уланган суб "Истеъмолчи"ларнинг эҳтиёжини ҳисобга олиш.

Шунингдек, 5 МВт ва ундан юқори булган қувватга уланган "Истеъмолчи"

истеъмол қиладиган қувватнинг ҳар суткалик, ҳар ойлик сарфи ва амалдаги миқдори, энергетика тизимининг энг кўп юкламали даврларида реактив энергия ва қувватнинг ҳар суткалик сарфи, энергетика тизимининг энг кўп юкламасининг ўтиш даврида актив энергия (қувват)нинг ҳар 30 дақиқадан сарфини ҳисобга олиши ва "Қорхона"нинг талабига қўра ҳаби қилини шарт.

"Истеъмолчи" қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.